

УЎТ: 664.72:621.365.5

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИННИГ АҲАМИЯТИ

**Б.Р. Бекқулов - илмий ходим, изланувчи
Андижон машинасозлик институти**

Аннотация

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотларини қуритишдаги радиацион ва конвектив усуслари ҳамда донни қайта ишлаш жараёнида уларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Қайта ишлаш натижасида олинган сифатли маҳсулот миқдорининг донни эластиклик модулига боғлиқлиги келтирилган. Иккита усуслда қуритилган “Аланга” навли шоли массаси учун қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот миқдорлари аниқланган ва график кўринишида баён қилинган. Донни конвектив усуслда қуритилган қурилмада олинган ижобий натижалар кўрсатиб ўтилган. Қурилмада қуритилган дон массасининг ғоваклилиги, сочилиувчанлиги, ишқаланиш бурчаги, иссиқлик сифими, иссиқлик ўтказувчанлигининг яхшиланиши донни қайта ишлашда сифатли маҳсулот чиқишининг ортишига олиб келиши асосланган.

Таянч сўзлар: қуритиш қурилмаси, радиацион ва конвектив қуритиш усуслари, иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқлик сифими, шоли, оқшоқ, эластиклик модули.

О ЗНАЧЕНИИ СУШИЛЬНОГО УСТРОЙСТВА В ПЕРЕРАБОТКЕ ЗЕРНА

Б.Р. Бекқулов

Аннотация

В данной статье приведены исследования двух видов способов сушки зерновых культур, а также их роли в процессе дальнейшей переработки. Приведена зависимость качества продукта полученного переработкой зерна от его модуля упругости. Определено количество продукта полученного переработкой зерновой массы риса сорта “Аланга” при сушке двумя различными способами, они приведены в виде графических зависимостей. Отмечены лучшие результаты сушки зерна в устройстве основанном на конвективном способе сушки. Обосновано, что улучшение скважистости, сыпучести, угла откоса, теплоёмкости, теплопроводности зерновой массы, высущенной в устройстве, приводит к повышению выхода качественных продуктов при переработке зерновой массы.

Ключевые слова: устройство для сушки зерна, радиационные и конвективные способы сушки, теплопроводность, теплоёмкость, рис, сечка, модуль упругости.

ABOUT VALUE DRYING OF THE DEVICE IN PROCESSING OF GRAINS

Б.Р. Bekkulov

Abstract

In this article given two aspects of modes of drying of grain crops, and also their role probes are conducted in process in the further processing. Dependence of quality of a product of the grain received by processing, on its coefficient of elasticity is reduced. The amount of a product received by processing of grain mass of rice of a grade of "Alanga" at drying by two various modes is defined and are reduced in the form of graphic dependences. The best results of drying of a grain in the device grounded on a convective mode of drying are marked. It is justified that improvement of porosity, flow ability, an edge of a slope, a thermal capacity, heat conduction of the grain mass exsiccated in the device, leads to heightening of an exit of qualitative products at processing of grain mass.

Key words: the device for grain drying, radiating and convective ways of drying, a heater, heat conductivity, thermal capacity, rice, pug, coefficient of elasticity.



Кириш. Замонавий техника ва технологияларни жонирий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ва ишланмаларни олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг вазифаси этиб белгиланган [1]. Республикамизда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дон маҳсулотлари маълум вақт мобайнида, моддий ҳаражатлар ва катта жисмоний ҳаракатлар натижасида ҳосил қилинади. Донли экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу йўна-


лишда селекция ишлари яхшиланмоқда, турли агротехник тадбирлар ўтказилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ, етиштирилган дон маҳсулотларини қуритишда ва қайта ишлаш жараёнидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган айрим камчиликлар бартараф қилинса – бу гўёки дон ҳосилдорлигини ошириш билан эквивалент бўлган бўлар эди. Бундай камчиликлар айрим турдаги донларни қуритишда кўзга ташланади. Маълумки, шоли етиштиришда синмаган, бутун гуруч ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу етиштирилган доннинг сотиш нархида сезиларли акс этади, чунки истеъмолчи томонидан гуруч қимматроқ, оқшоқ (гуручинг синиги) арzonроқ баҳоланади. Бундай нархларнинг таққосланиши ловия,

мош, нўхат каби бошқа донлар учун хам ўринли бўлади. Маълумки, шоли механик усулда қайта ишланиб, гуруч ҳосил қилинади. Мана шу механик ишлов бериш жараёнида дон массасининг қуриганлик даражасининг ҳажм бўйича бир хиллiği муҳим аҳамият касб этади. Механик ишлов бериш жараёнида мақбул намлик таъминланмаслиги оқибатида шолидан маҳсулот сифатида олинадиган синмаган гуруч микдори пасайиб боради. Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу мақолада донни қайта ишлашда олинадиган маҳсулот миқдорининг ортишига омил сифатида таъсир этувчи куритиш усулларида камчиликлар ва афзаликларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

Ҳозирги пайтда дон маҳсулотларини куритишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, ҳар бир усул ўз технологиясига эга ва дон массасига иссиқликни беришга қараб бир-бираидан фарқланади. Қўйида доннинг куритишни радиацион ва конвектив усуллари тўхталиб ўтамиш.


Шолини куритишида радиацион усул мамлакатимиз иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда кенг қўлланилади. Бу усулда қуёш нури ва шамол таъсирида табиий шароитда маълум майдонга ёйиб чиқилган дон маҳсулотларидаги намлик буғлантирилди ва буғ атмосферага чиқарилади. Ёйиб чиқилган доннинг қалинлиги қанча кичкина бўлса, доннинг қуриши шунча интенсивроқ амалга ошади. Донни куритиш ишларида асфальтланган майдонлардан фойдаланилади. Бироқ, бу усулда куритишида дон массасининг ҳажм бўйича бир хил қуриши таъминланмайди, донга тош, кум кабилар аралашиб қолади.

Конвектив усул энг кўп тарқалган усул ҳисобланади. Бу усулда ҳосил қилинган куритиш агенти (иссиқ ҳаво) ни дон қатламлари орқали ўтказиб намликни буғлантириш ва буғланган намликни ҳаво оқими орқали куритиш камерасидан чиқариш орқали амалга оширилади. Бу усулда турли конструкциядаги курилиш курилмалари ишлайди [2]. Бундай курилмаларнинг ҳаммасида эмас, балки айримларидагина дон массасининг текис қуриши таъминланган. Донни конвектив усулда куритиш курилмаларида иссиқ ҳавони дон оқими бўйича, дон оқимига қарама-қарши, кўндаланг ва аралаш ҳолда бериш тўғрисида маълумотлар берилган [3]. Куритиш агенти ва дон массаси ҳароратининг қуритиш масофасига боғлиқлиги кўрсатилган. Биз томонимиздан лойиҳаланган, тажриба нусхаси тайёрланган, конвектив усулдаги дон куритиш курилмасида юқоридаги келтирилган тавсиялар инобатга олинди ва дон массасининг ҳажм бўйича бир хилда қуриши ва зарарли аралашмалардан муҳофаза қилиш таъминланди [4]. Курилманинг куритиш жараёни технологик схемаси 1-расмда, унинг тажриба нусхаси 4-расмда келтирилган.



1-расм. Курилманинг куритиш жараёни технологик схемаси

Келтирилган иккита қуритиш усулларида куритилган дон массасининг сифат кўрсатиличарини таққослаш мақсадида, тажриба ўтказиш учун Андижон вилоятида маҳаллий шароитда етиштирилган “Аланга” навли шоли танлаб олинди ва радиацион усулда турли $W=14\%$, $W=12\%$, $W=10\%$, $W=8\%$, $W=6\%$ намликларда куритилди. Куритиш жараёнида шоли массасининг ҳарорати 35°C ни ташкил этди. Ҳар бир намлика эга бўлган 150 кг шолидан механик ишлов бериш билан гуруч ва оқшоқ (гуручнинг синиги) олинди. Олинган натижаларига кўра, шолидан механик ишлов бериш натижасида олинадиган гуруч микдори шолининг намлик микдори ортиши билан камайиб бориши, оқшоқ миқдори эса намлик 6 фоиздан 14 фоизга ортиши билан кўпайиб бориши аниқланди (2-расм).



2-расм. Радиацион усулда куритилган турли намликдаги шолидан олинадиган гуруч ва оқшоқ миқдорининг ўзаро боғлиқлик графиги

Маълумки, ҳар қандай материалнинг мустаҳкамлиги эластиклик модули билан ҳарактерланади [5]. Шунинг учун эластиклик модулини ортиши механик ишлов беришда шолидан гуруч ҳосил бўлиши кўпайиши учун хизмат қилади. Шолининг эластиклик модули [6] ишда ўрганилган бўлиб, унинг қийматлари келтирилган.

Тажрибани давом эттириш мақсадида юқорида келтирилган шоли навидан 10% намлика эга бўлган 150 кг миқдордаги шоли массаси олинди ва икки хил усулда: радиацион усулда (3-расм) ва қурилмада (4-расм) куритилди. Радиацион усулда шоли массасининг ҳарорати



3-расм. Шолини радиацион усулда куритиши



4-расм. Шолини қурилмада қуритиш

35°C ни, қурилмада эса 30°C ни ташкил этди. Натижада 6% намлика эга бўлган 144 кг миқдордаги шоли ҳосил қилинди. Ҳар бир усулда қуритилган шоли массаларига бирин-кетин “дондан-донга” усулида механик ишлов бериш натижасида 1-жадвалда келтирилган маҳсулотлар ҳосил қилинди. Жадвалдан қурилмада қуритилган шолини қайта ишлашда оқшоқ миқдори камайгани ва гуруч миқдори ортганини кузатиш мумкин.


1-жадвал

Радиацион усулда ва қурилмада қуритилган шоли массасини қайта ишлашдаги олинган маҳсулотлар миқдорлари

Қуритиш усули	Қуритиш ҳарорати, °C	Шоли масаси, кг	Гуруч миқдори, кг	Оқшоқ миқдори, кг	Шоли пуст-лоғи, кг	Омухта ём, кг	Кўринимас чанглар, кг
Радиацион усул	35	144	100	5	14	20	5
Қурилмада, конвектив усулда	30	144	102	3	14	20	5

Олинган натижаларга кўра, қуритиш қурилмасида қуритилган шолидан олинадиган гуруч миқдори юқори эканлиги аниқланди (5-расм).

Бир хил намлиқдаги шолидан икки хил қуритиш усулларини қўллаш натижасида олинган гуруч ва оқшоқнинг фарқли бўлишини куйидагича изоҳлаш мумкин. Табиий усулда қуритиш учун 3-расмда кўрсатилганидек, шоли массаси маълум майдонга, бирор қалинликда ёйиб чиқилди ва вақти-вақти билан пастки қатлам юқорига, юқори қатлам эса пастга аралаштириб турилади. Арапаштириш ишлари инсон томонидан бажарилади ва шу жараённи бажариш вақтида дон ҳажми бўйича намлиқнинг бир хиллиги қисман таъминланмай қолинади. Натижада дон массасининг айрим участкаларида намлик 6 фоиздан юқори бўлади, бу эса шолининг эластиклик модули кичрайишига олиб келади. Натижада, кейинги механик ишлов пайтида гуруч осон синади ва оқшоқ




(А-радиацион усулда қуритилган шоли учун, Б-қуритиши қурилмасида қуритилган шоли учун)

5-расм. $W=6\%$ намлиқдаги шолидан олинадиган гуруч ва оқшоқ миқдорининг ўзаро боғлиқлик графиги


миқдори ортади.

Қуритиш жараёнида шоли винтли транспортёр (шнек) орқали қуритиш барабанига берилади. Шолининг дастлабки аралашиши шнекда, тўла аралашиши эса бўйлама қовурғалар билан таъминланган қуритиш барабанида амалга ошади. Шундай қилиб, қуритиш қурилмасида шоли массасининг тўла ҳажми бўйича намлиқни бир хил таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса, шолини қайта ишлашда гуруч миқдорини оширишда асосий, ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Маълумки, дон массасининг асосий физик ҳусусиятларига ғоваклилиқ, сочилувчанлик, ишқаланиш бурчаги, иссиқлик ўтказувчанлик ва температура ўтказувчанлик, иссиқлик сифими, термонамлик ўтказувчанлик кабилар киради [7]. Қуритиш қурилмасида қуритилаётган шоли массаси шнек орқали ўтиши жараёнида унинг қипиқчалари синиши кузатилди (6-расм).



A



B

6-расм. Қуритиш қурилмасида шолини шнек орқали ўтишидан олдинги (А) ва кейинги (Б) ҳолати

Шолининг қипиқчалари синиши туфайли шоли массасининг ғоваклилиги камаяди ва шолининг сочилувчанлигини ортириади. Сочилувчанликнинг ортиши ишқаланиш бурчагининг камайишига олиб келади. Маълумки, сочилувчанлик ва ишқаланиш бурчаги донни қайта ишлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ғоваклиликнинг камайиши дон мас-

сасининг донлар орасидаги бўшлиқ (ҳавонинг) камайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида шоли массасида донлараро иссиқлик ўтказувчаникни орттириди. Донни қуритиш учун ҳосил қилиниши керак бўладиган Q – иссиқлик миқдори қуйидагига teng бўлади [8] :

$$Q=m \cdot c \cdot \Delta t \quad (1)$$

бу ерда, c – шоли массасининг солиштирма иссиқлик сифими, $\text{ж}/\text{кг} \cdot ^\circ\text{C}$

m – шоли массаси, кг

Δt – ҳароратлар фарқи, $^\circ\text{C}$

Маълумки, c_x – ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими миқдори c_w – шоли донининг солиштирма иссиқлик сифими миқдоридан катта, яъни:

$$c_x > c_w \quad (2)$$

Қуритиш бошланганда шоли массасида ғоваклилик юқори бўлганлиги учун унинг c_1 – солиштирма иссиқлик сифими кейинги ғоваклилик кичрайгандаги c_2 – солиштирма иссиқлик сифимидан катта бўлади: $c_1 > c_2$

Шундай қилиб, қуритиш жараёнида шоли массасининг солиштирма иссиқлик сифими кичрайиши мақсадга мувофиқ бўлиб, (1) ифодага кўра қуритиш учун талаб

этиладиган Q – иссиқлик миқдорининг камайишига олиб келади. Натижада қуритиш жараёнида энергия сарфинг камайишига эришилади.

Хулоса:

- донни маҳсус қурилмаларда қуритишда дон массасининг физик хусусиятларини яхшиланиши натижасида қуритиш сифати яхшиланади;

- донни қайта ишлаш технологик жараёни қуритиш жараёнига узвий боғлиқ бўлиб, қуритиш жараёнидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар дон маҳсулотларининг сифатига ва сотилиш нархига таъсирини ўтказади;

- донни маҳсус қурилмаларда пастроқ ҳароратда қуритилганда қайта ишлашда олинадиган сифатли маҳсулот миқдори ортади;

- донни, хусусан шолини радиацион усулда қуритиш арзонга тушади, бироқ қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулот миқдори камаяди;

- 1,5 тонна миқдоридаги шолини маҳсус қуритиш қурилмаларда қуритишдан 100000 сўмдан ортиқ иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-3003-сонли Қарори.
2. Манасян С.К. Принципы конвективной сушки зерна. Вести. КрасГАУ-2008, - №6. - 145 с.
3. Dr.Dirk E.Maier and Dr.Fred W. Bakker-Arkema. Grain drying systems. St.Charles, Illinois, U.S.A - 2002. - p. 44
4. Беккулов Б.Р., Алиев Р ва бошқалар. Дон маҳсулотлари учун кўчма қуритиш қурилмаси. ЎР Интелектуал мулк агентлигининг талабномани кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори, №14949, 11.10.2017. (талабнома FAP 20170050, 02.05.2017).
5. Ўрзобеев М.Т. Материаллар қаршилиги асосий курси. - Тошкент. Ўқитувчи, 1973. - Б. 512.
6. Подгорный С.А. Термовлагомеханические процессы и перенос тепла и массы при сушке зерновых материалов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук. Краснодар, 2015. - 15 с.
7. Физические свойства зерновой массы. <http://www.comodity.ru/grainflour/rawmaterials/11.html>
8. Зависимость количества теплоты от температуры. <http://files.school-collection.edu.ru/dlrstore/14f31303-f9cc-a4e9-ee9e-2eaaa9568def1/00149789727225968.htm>